2017 йил 24 январь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (13.349)

Баҳоси эркин нархда

## ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**

Қорақалпоғистоннинг бой табиий захиралари, саноат корхоналари, фидойи ва меҳнаткаш халқи мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қўнғирот сода заводи, Устюрт газ-кимё мажмуаси, ўнлаб қўшма корхоналар иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи Қорақалпоғистон ҳаётида янги истиқболлар очди. Давлатимиз раҳбари 20 январь куни соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, таълим, қишлоқ хўжалиги соҳалари муассасаларида бўлиб, уларда яратилган шароитлар билан танишди. Одамлар билан мулоқотда бўлди. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни Нукус шаҳрида қуриладиган полимер маҳсулотлари заводи участкасига ташриф буюрди. Ушбу заводда йилига 8 минг тонна полиэтилен қувур, қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Замонавий технология билан жиҳозланадиган корхонада юздан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхона билан ёнма-ён барпо этиладиган энергия тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод лойиҳаси билан ҳам танишди. Бу ерда Япония, Швейцария, Италия каби мамлакатларда тайёрланган технологиялар асосида замонавий трансформаторлар, фотоэлектростанция деталлари, автоматик электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Аҳоли эҳтиёжи учун турли товарлар ишлаб чиқариш, бизнес субъектларининг барқарор ишлаши ва ҳаёт сифатини таъминлашда кимё саноати ва энергетика тармоғи алоҳида ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳаларни изчил ривожлантириш, янги корхоналар ташкил этиш орқали импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур икки завод бу борадаги ишларнинг амалий самараларидандир. Уларда тайёрланадиган маҳсулотлар иқтисодиётнинг кўплаб жабҳаларида қўлланилиши, импорт ўрнини тўлдириб, экспортга йўналтирилиши билан улкан аҳамият касб этади.

Корхоналарни мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик айёмига фойдаланишга топшириш зарурлиги, бу халқимизга муносиб байрам туҳфаси бўлиши алоҳида таъкидланди.

Президентимиз мазкур заводлар қурилиши бошланиши билан танишди. Пудратчи ва қурувчилар билан суҳбатлашди, ушбу масъулиятли ишда уларга муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилинган Нукус темир йўл вокзалини бориб кўрди. Бино пештоқлари миллий нақшлар билан безатилган. Кутиш зали, она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси ва бошқа хоналарда йўловчилар учун кенг қулайликлар яратилган.

Президентимиз бу ерда хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаби қурилиш участкасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Юсупов қорақалпоқ ва ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг асарлари Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, юртга фидойилик ғоялари билан йўғрилган. Шу жиҳатдан атоқли шоир ижоди ёшлар тарбиясида маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларни китобга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 январда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари мактаб лойиҳасини такомиллаштириш, хусусан, бино олдида майдон барпо этиш ва бу ерда Ибройим Юсупов ҳайкалини ўрнатиш бўйича тавсиялар берди. Мактаб базасида кичик босмахона ташкил этиб, турли адабиётларни таржима қилиб, чоп этиш лозимлиги таъкидланди. Бу бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни нашр қилиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшади.

Президентимиз Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида ҳам бўлди. Бу ерда кўп тармоқли болалар клиникаси, ўйин майдончаси, меҳмонхона бунёд этилмоқда. Институтда ҳақиқий илмий муҳит яратиш, хориж тажрибасини ўрганиш, халқаро клиникалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида давлат органлари халққа хизмат қиладиган, барча даражадаги ҳокимлар ва раҳбарлар аҳоли олдида ҳисобот берадиган тизим жорий этилишини таъкидлади. Бугунги кунда жойларда ушбу тизимнинг муҳим бўғини бўлган Халқ қабулхоналари ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва сақлаш замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган. Она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси ва бошқа хоналарда зарур шароитлар, ногиронлар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Ҳар бир мурожаатни адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш, раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлашини таҳлил қилиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009-2016 йилларда ҳудуднинг 134 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 3 минг 650та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Нукус шаҳрида 34та кўп қаватли уй, замонавий амфитеатр, Ёшлар маркази, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейининг янги бинолари, турли спорт мажмуалари бунёд этилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Нукуснинг Ерназар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада қулайлик яратилади. Йўл бўйида кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади.

Давлатимиз раҳбари Имом Эшон Муҳаммад масжидида нуронийлар билан суҳбатлашди. Унда халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, кексаларни эъзозлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш ҳақида сўз борди. Нуронийлар Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида илк ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат эканини, ташриф натижалари бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

## КАТТА МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ СИНОВ

***Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида жанговар тайёргарлиги, намунали хулқи ва интеллектуал салоҳияти билан сафдошларига ибрат бўлган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномалар жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.***

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш ҳамда имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган юрт посбонлари ўз билимини синаб кўрди.

Тест синовлари мавзуга оид уч йўналиш – жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат. Намунавий тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, улар хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутади.

Қарорда тавсияномага эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Номзодлар бундай тавсияномани олиш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, ҳарбий интизом ва тест синовлари натижалари бўйича энг кўп балл тўплаши зарур.

– Олий ўқув юртига ўқишга киришда муайян имтиёз берадиган ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олиш учун тест синовида иштирок этдим, – дейди ЎзА мухбирига самарқандлик оддий аскар Икром Пўлатов. – Келажакда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун олий маълумотли бўлиш зарур, деб ҳисоблайман. Тест синовларида яхши натижа кўрсатиб, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олишимга ишонаман.

Намунали ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, тест синовларида энг кўп балл тўплаган ҳарбий хизматчилар мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини қўлга киритади.

**Н.НАСРИЕВ**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2017 йил 26 январь куни соат 8.00 да халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳарнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича ҳисоботи ва бошқа масалалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси С.Отамурадов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси А.Жалилов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминлангани, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда халқимизни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси тайёрланди. Ҳаракат стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналиш белгиланган. Ҳаракат стратегияси беш босқичда, келгуси беш йилда юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

Тадбирда иштирокчилар томонидан ҳар бир йўналиш бўйича келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш атрофлича муҳокама қилинди. Парламентнинг халқаро муносабатларини кенгайтириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар муваффақиятига ҳисса қўшиш, шу мақсадда халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро шартномалар тўғрисида", "Давлат дипломатик хизмати тўғрисида"ги қонунлари ва Консуллик уставини такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни охирига етказишга доир таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**

**• Андижон вилояти ҳокимлигида халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштириш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизм ва самарали усулларини жорий этиш, мазкур йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтариш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Наманганда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан "Инсон манфаатлари – олий қадрият" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, етакчи мутахассислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, зиёлилар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатидаги Кунера станцияси атрофида йирик темир йўл ҳодисаси юз берди. Ушбу ҳудудда ҳаракатланаётган поезднинг рельсдан чиқиб кетиши натижасида 39 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб йўловчилар турли даражадаги тан жароҳатини олишди. Ҳозирда воқеа сабаблари аниқланмоқда.**

**• Хитойда яратилган Сяо Нань исмли робот-мухбирнинг илк мақоласи маҳаллий "Southern Metropolis Daily" газетасида чоп этилди. 300 та иероглифдан иборат материал ушбу мамлакатнинг Янги йил байрами арафасида саёҳатлар кўламининг ортиши мавзуига бағишланган бўлиб, уни ёзиш учун робот атиги 1 сония сарфлади. Пекин университети профессори Вянь Сяоцзюннинг таъкидлашича, Нань маълумотларни жуда юқори тезликда таҳлил қилиб, шу асосда кичик ва катта ҳажмли мақолалар тайёрлаш имкониятига эга.**



# ИСТЕЪМОЛЧИ ИШОНЧИ – МУҲИМ МЕЗОН

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2016 йил фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Федерация раиси Ж.Саримсоқов ва бошқалар истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясига олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

2016 йилда федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари, туман ва шаҳар жамиятларига истеъмолчилардан 9 минг 900 дан зиёд ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 93,1 фоизи ижобий ҳал этилган, 3 миллиард 860 миллион сўмдан зиёд зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Мурожаатларнинг 28,9 фоизи табиий газ таъминоти, 23,6 фоизи савдо, 15,4 фоизи электр таъминоти ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Федерациянинг виртуал қабулхонаси, www.istemol.uz сайти ҳамда "1091" "ишонч телефони" орқали ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилинаётгани истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Давлат идоралари билан ҳамкорликда аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиб келинмоқда. Ўтган йилда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда айни шу йўналишда 7 минг 500 га яқин ўқув семинари ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида "Юксак истеъмол маданияти сари" шиори остида турли рисола ва тарғибот материаллари нашр этилди ва тарқатилди.

Оммавий ахборот воситаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган мавзуларда 7 мингга яқин чиқишлар уюштирилди. Истеъмолга яроқсиз, инсон ҳаётига хавф солувчи маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида "Тошкент" телеканали орқали "Сифат назорати" кўрсатуви эфирга узатилмоқда.

Ижтимоий соҳаларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик талабларига риоя этилиши билан боғлиқ ижтимоий сўровномалар ўтказилиб, уларда 51 минг 500 истеъмолчи фикр ва таклифлари ўрганилди. Кўрсатилган муаммо ва камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш мақсадида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, бошқа идоралар ва назорат органларига тақдим этилди.

Йиғилишда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий бирлашмалар, туман ва шаҳар жамиятлари ҳузурида "Истеъмолчи билан мулоқот" ҳуқуқий маслаҳатхоналарини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. Истеъмолчилар мурожаатлари билан ишлашнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Б.БОЗОРОВ**

# САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар ижод аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади. Адибларимиз мамлакатимизда юз бераётган тарихий ўзгаришларни, Ватанимиз обрўсини улуғлаётган юрт фарзандлари жасоратини ўз асарларида тараннум этишга ҳаракат қилмоқда.

2016 йилда пойтахтимизда яшаб ижод қилаётган юзга яқин таниқли адиблар вилоятларда ижодий сафарларда бўлди.

Улуғ аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди, Мустақиллик байрами, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун, Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ҳудудларида ташкил қилинган адабий учрашувлар, анжуманлар, тарғибот тадбирларида ёзувчи ва шоирлар фаол қатнашди.

Анъанавий "Истеъдод мактаби" семинарида ёш ижодкорларнинг назм, наср, бадиий публицистика, таржима, драматургия ва болалар адабиёти йўналишларидаги ижодий ишлари кенг муҳокама қилинди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Минг бир ибратли ҳаёт" китоби, истеъдодли ёш шоирларнинг "Биз – истиқлол фарзандларимиз", ёш таржимонларнинг "Баҳор булбулларининг чаҳчаҳи" баёзлари нашрдан чиқди. "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида 11 истеъдодли ёш ижодкорнинг илк китоблари чоп этилди.

Президентимизнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар, семинарлар ўтказилди.

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалар фаолиятини янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Д.КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 420-сонли хатига илова "Шайхонтоҳур туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси" га асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шайхонтоҳур туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Х.Шермухамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Шайхонтоҳур туман тармоқ администратори (Н.Насириллаев):

мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.shayxontohur.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Наджимидинов зиммасига юклансин.

**Шайхонтоҳур тумани ҳокими**
**О.Миртемиров**

*2017 йил 13 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ БАХТ – САОДАТИ

***Ҳаёт – инъом. Умр учқур бўрон мисоли. Бугунги замонада одамзотнинг нафси, истак-эҳтиёжлари ниҳоятда бисёр. Айниқса айрим ёшлар ҳаёт неъматларининг барчасига силлиққина эришсам деб ширин хаёлга бериладилар. Аммо, фақат пуч ёнғоққина осон чақилади. Сабаби ичида ҳеч нарса бўлмайди. Пўкиллаган бўшлиқ холос. Ундан наф йўқ. Бордию бўлганда ҳам мағзига қурт тушган... Хуллас, қурт тушган ёнғоққа кимнинг ҳам кўзи учиб турибди?! Фақатгина бундай бўшлиқни пайқаган фитначи, тубан кучлар фурсатни бой бермайди, отини қамчилайди, дунёқараши, онги саёз ёшлар улар учун ўлжа. Ташқаридан туриб бўлсада ўз таъсирига тортишга уринади.***

"Заррадан ижод этиб", билим ва тафаккури билан оламга ҳар соҳа ва йўналишда таъсирини ўтказаётган одамзод фарзандлари, ёшларга бугун кўп имкониятлар, ҳуқуқлар берилган. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган, эркинликлари ўз қўлида, қонунлар билан ҳимоя қилинган. Албатта манфаатсиз инсон йўқ. Лекин ундаги ўз юртига фидойилик, дахлдорлик сифатлари бор экан уни юксалтиради. Обрў - эътиборини оширади. Ёшларнинг ҳаёт йўлларини тўғри танлаб камол топишларига эришиш шубҳасиз халқимизнинг бахт-саодатидир.

Келажак ворислари бўлган ёшлар жамият олдида масъулиятни, бурчли эканликларини ҳис этишлари уларнинг чиройли фазилатларига безак бўлади. Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишда, муносиб таъминлашда ёшларнинг ҳам жавобгар эканлиги амалга ошираётган ишларида кўзга ташланади.

Баркамолликка интилган ёшлар аслида фаол бўлади, эзгуликнинг қадрига етади. Шу боис ёшликдан улуғ ва мўътабар ишларга қўл уришга орзуманд, чанқоқ яшайди. Ёшликда илм олиш, касб-ҳунар ўрганишни, ҳалол ва фойдали меҳнати орқали обрў-эътибор орттиришга чоғланган инсонлар, унга нон-туз тутган она тупроғига, Ватанига содиқ бўлади, файзли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланади. Умрнинг лаҳзаларини беҳуда ўтказмасдан аксинча шарафли ишларга улгуриш муҳимлигини чуқур англаб етади. Комил инсонни ўстириш, тарбиялашда ота-она, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчиликнинг ўрни беқиёс. Ёшлар билан ишлашга масъул бўлган ҳар бир мутахассис уларнинг нурли келажаги йўлида фидойи ва бир-бирига намуна бўлишлари ҳозирги кун талаби.

Шубҳасиз, бугун халқимизнинг "отасига раҳмат" деган олқишига, ҳурматига сазовор бўлаётган изланувчан, истеъдодли, меҳнатсевар, асл ватанпарвар ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бунга мисоллар кўп. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: "...ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт", деган сўзлари ҳам фикримизнинг далилилир.

Дарҳақиқат, бундай ёшлар илм-фан, иқтисодиёт, маданият – санъат, спортда ва бошқа соҳалардаги улкан ютуқлари билан мамлакатимизнинг обрўсини янада юксалтирмоқдалар. Ёшларимиз хорижнинг нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олмоқдалар.

Айниқса, илғор ахборот – коммуникация технологиялари бугунги кунда инсониятнинг асосий кўмакчисига айланган бу тармоқнинг аҳамияти йил сайин ошмоқда. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга интернет кенг кириб келган бугунги шароитда ундан маълумот олиш, илм, эзгу ишлар, кенг дунёқарашга эга бўлиш йўлида фойдаланишга, яхшиликка қаратилмоғи керак.

Минг афсуски, бугун шундай дастурхонимиздан туз еб, тузлиғига тупуриб кетганларни кўрганингизда, ўйга толасиз. Бундай кимсалар ёш бўлишларига қарамай ўз ҳаётини ўткинчи ҳою ҳавасларга, енгил-елпи турмуш учун сарфлаб, ёшликдаги орзулар булоғини заҳри заққумга тўлдириб, бошқаларнинг тинч-осуда ҳаётига, ҳаловатига раҳна соладиган ёвуз кимсага айланаётганликлари хавотирли.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва вазирлик тизимининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида, шаҳар-туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда ўқувчилар, талабалар ва ёшлар, уларнинг ота-оналари билан учрашувлар, қизиқарли маънавий, ҳуқуқий тадбирлар ўтказиб келмоқдалар.

Тадбирлар жараёнида лоқайдликнинг салбий оқибатлари, ҳуқуқий маданиятнинг заифлиги тўғрисида аниқ мисоллар ва юртимиздаги бу борадаги қонунчиликда янгилик ва ўзгаришлар билан тушунтириш ишлари олиб боришга доир амалий ишлар ёшларни маънавий камол топиб, турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳоли, маънавий соғлом бўлиб вояга етишларида ёрдам бермоқда. Шунинг билан бирга ёшлар орасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга бўлган эътиборни кучайтирмоқда.

Огоҳликка даъват этиш орқали ички ишлар органлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг ходимлари жойларда амалий - профилактик ишларни кўпайтириш, мазмун-моҳиятини ва сифат даражасининг оширилиши ҳамда уларнинг ижобий натижаси ҳар қандай оқимлар ва интернетнинг айрим тажовузкор тармоқлари, гиёҳвандлик воситалари келтириши мумкин бўлган жабру офатларга чек қўйишига хизмат қилади.

Акс ҳолда турли ёт мазҳаб ва оқимларнинг пуч ғоявий хуружлари балойи офатдек ёйилиб, ёшларни тўғри йўлдан адаштиришга, гиёҳвандликка, бангиликка, жиноятга етаклайди, улар ўз сафларига қўшиб олиш учун ҳар қандай разилликлардан тап тортмайдилар. Тунлари ухламай безовталаниб, ҳаром режалар тузадилар. Экстремистик оқимларнинг раҳнамолари, ташвиқотчилари XXI аср фан ва юқори технологиялар, интернет асри эканлигини яхши англаб етишган.

Ёшлик йилларида хатога йўл қўйган одам, масалан, интернетнинг айрим экстремистик оқимлар ғояларини тарғиб қиладиган тармоқларига муккасидан кетиб алдовларга лаққа тушиб, экстремистик оқимлар таркибига қўшилиб қолиб хиёнат қилса, гиёҳвандликка берилса унинг азобини то умрининг охиригача чекади. Энг ачинарлиси, бошқаларга тобеланиб яқинларига, ўз юртига қарши қаратилган ёвуз кирдикорларнинг қурбонига айланиши мумкин.

Буларга йўл қўймаслик учун илмли бўлиш, ғояларнинг асл моҳиятини англаш, интернетдан тўғри фойдаланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш зарур. Одамни одамдан ажрата билиш керак. Атрофимиздаги ёшларга бефарқ бўлмасдан, уларнинг юриш-туришларига, машғулотларига, қадам олишларига, ҳаётларида пайдо бўлган янги таниш - билишларига лоқайдлик қилмайлик. Акс ҳолда ичи ғовак ва бўшлиқдан иборат, "қурт тушган", "пуч ёнғоқ"-ларга кунимиз қолиши мумкин.

Бугунги ёшлар ғайратли, мустақил фикрга эга бўлиши, ҳаётнинг паст-баландликларини тўғри қабул қилиб, масъулият ҳисси билан яшашлари, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши учун тийрак нигоҳ билан эзгу ишларни амалга оширишни биринчи даражадаги вазифа деб қабул қилмоқлари зарурлигини уларга сингдиришда ҳар биримиз муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

**Мирзаумар ХАЛИЛОВ,**
**ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими**







## Спорт янгиликлари

***ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

### БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Унда Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 61-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 62-поғонани банд этган миллий терма жамоамиз бу сафар бир поғона юқорилади. Қитъамиз жамоалари орасида миллий терма жамоамиз Эрон, Жанубий Корея, Австралия, Япония, Саудия Арабистонидан кейин 6-ўринда бормоқда.

Рейтингда ҳамон Аргентина терма жамоаси 1-ўрин билан карвонбошилик қилаётган бўлса, фахрли 2, 3-ўринларни Бразилия ва Германия терма жамоалари банд этишди.

### ЎРТОҚЛИК БАҲСИДА КУЧ СИНАШИШАДИ

***Таиландда 9-21 май кунлари футзал бўйича 20 ёшгача бўлган терма жамоалар иштирокида илк маротаба Осиё чемпионати бўлиб ўтади.***

Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашишга аҳд қилган испаниялик мутахассис Хосе Мария Мендез бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 27-28 январь кунлари Тожикистоннинг шу ёш тоифасидаги терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувларида омадини синаб кўради. Ушбу ўртоқлик учрашувлари олдидан ташкил этилган машғулот йиғинига 17 нафар футзалчи жалб этилган.

### ИККИТА ЎЙИНДА ҲАМ ДУРАНГ НАТИЖА

***БААда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этаётган "Бунёдкор" жамоаси Хитойнинг "Хенан Жианье" жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашди.***

Муросасиз, қизиқарли кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Тошкентликларнинг голи Шаҳзодбек Нурматов ҳисобига ёзилди.

Шунингдек, "Бунёдкор" йиғин доирасида Саудия Арабистонининг "Ал-Файсали" клуби билан ҳам ўртоқлик беллашувида омадини синаб кўрди. Ушбу учрашув ҳам 1:1 ҳисобида якунига етди. "Бунёдкор"нинг голига Жавоҳир Эсонқулов муаллифлик қилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони Тошкентнинг "Локомотив" клуби тажрибали ярим ҳимоячи — Садриддин Абдуллаев билан янги шартномага имзо чекди.***

### "ЛОКОМОТИВ" ТАРКИБНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Аввалроқ Абдуллаевнинг "Темирйўлчилар"ни тарк этиши кутилганди, бироқ орадан кўп вақт ўтмай футболчининг қадрдон жамоасида қолиши ойдинлашди.

Шунингдек, якунига етган мавсумни Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасида ўтказган Мурод Бобожонов ҳам жорий йилдан бошлаб "Локомотив" клуби таркибида тўп тепади. 22 ёшли футболчи ўтган йили олий лига беллашувларининг 19 та ўйинида майдонга тушиб, 4 та гол урган. Ҳар иккала футболчи Осиё чемпионлар лигаси учун топширилган футболчилар рўйхатига киритилди.

### ЯПОНИЯДА ИЛК МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗДИ

***Япониянинг "Жубило Ивата" жамоаси аъзосига айланган ўзбекистонлик ярим ҳимоячи Фозил Мусаев янги клуб сафида илк машғулотларини ўтказиб, япониялик журналистларга расман таништирилди.***

Футболчимизни таништирув маросими клуб базасида ўтказилганидан сўнг Фозил Мусаев жамоанинг барча футболчилари қаторида машғулотларда иштирок этди.

Шундай қилиб, 2016 йилги мавсумни Қаршининг "Насаф" клуби сафида ўтказган ярим ҳимоячи Япония клублари сафида тўп сурадиган ўзбекистонлик биринчи футболчи сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш ўринлики, "Жубило Ивата" 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, Япониянинг энг совриндор жамоалари рўйхатида учинчи ўринни банд этиб турибди. Жамоа уч марта 1997, 1999, 2002 йилларда "J"-лига, уч бора мамлакат суперкубоги, икки бора Япония кубоги, шунингдек, Император кубоги ғолиби бўлган.

**Ботир ХЎЖАЕВ.**

## Экология

***Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида чиқиндиларнинг табиат мусаффолиги ва инсон саломатлигига таъсирининг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

### ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

Инсоннинг хўжалик фаолияти ва саноат корхоналарида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг табиий мувозанатга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш глобал экологик муаммолардан биридир. Мамлакатимизда бу йўналишдаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий механизмлари яратилгани барқарор ривожланиш омили бўлаётир.

Юртимизда чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, зарарсизлантириш борасида замонавий тизим яратилган. Ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларни йиғиш ва ташишга ихтисослашган тузилмаларнинг моддий-техник салоҳиятини ошириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида ишбилармонлик муҳитига кенг йўл очилаётгани чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида ҳам тадбиркорлик жараёнларини ривожлантиришга замин бўлаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда уч юзга яқин тадбиркорлик субъекти айнан чиқиндиларни қайта ишлаш борасида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар саноатда ва маиший тармоқда ҳосил бўладиган ва атроф-муҳитга зарари юқори бўлган шиша, елим, металл, резина ва бошқа чиқиндиларни қайта ишламоқда. Ушбу йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида чиқиндини қайта ишлайдиган корхоналарга бир қатор иқтисодий имтиёзлар берилган.

Табиат мусаффолигини таъминлашга йўналтирилган бундай ишларда кенг аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаоллигини ошириш, йигит-қизларнинг онгига табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини чуқур сингдириш муҳим вазифадир. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси "Тошрангметзавод" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда "Биз билан озода келажак сари" лойиҳасини ана шу мақсадга йўналтирмоқда.

Лойиҳа доирасида олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида ижодий ишлар танловларини ўтказиш режалаштирилган. Ижодий ишларда чиқиндилар муаммоси, ноқонуний чиқиндихоналар билан курашиш, электрон чиқиндиларга муносабат, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, турар жойларда тозалик, озодаликка риоя этилишининг ҳолати, бу борадаги муаммо ва камчиликлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш борасидаги тажрибалар ва вазифалар акс эттирилиши лозим. Бу борадаги батафсил маълумотлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг веб-сайтида (www.uznature.uz) жойлаштирилган.

Тадбирда мамлакатимизда чиқиндиларни бошқариш борасидаги ишларни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифаларга оид маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## "101"

### САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРНИ УНУТМАЙЛИК!

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш, фуқароларимизга унинг салбий оқибатлари ҳақида доимо тушунтириб келинади.***

Ачинарлиси орамизда ёнғинлар натижасида мол-мулкидан, соғлиғидан ажралиб қолаётган кишилар борлигидир. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳақида фуқароларга яна бир бор эслатиб ўтишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Совуқ кунларда уй-жойингизнинг печка мўрконларида носозлик аниқланганда уларни ишлатманг. Уйларнинг ертўлаларида тез аланга олувчи материаллар: бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликларни биргаликда сақлаш мумкин эмас. Улар сақланадиган жойларда очиқ олов, шам ёқиш ва гугурт чақиш қатъиян тақиқланади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Яшнобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали нафақат ўзингиз, балки атрофингиздаги яқинларингиз, қўни-қўшниларингизнинг ҳаёти ва мол-мулкини асраган бўлишингизни эслатиб ўтади.

**Улуғбек АҲМАДЖОНОВ,**
**Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ**
**инспектори, сержант**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**

**Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!*

**Ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида**

Боғишамол ва Янгишаҳар кўчалари оралиғида янги автойўл ҳамда Бўзсув канали билан кесишган жойда кўприк қурилиши сабабли, Бўзсув бош сув иншооти ҳудудида диаметри 1200мм. Сув тармоғини қайта қуриш ва улаш ишларини олиб бориш пайтида ДУК "Сувсоз" трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

**26 январь соат 5.00 дан 28 январь соат 5.00 гача**

**1. Сув бўлмайди – Олмазор тумани бўйича:** Б-1 мавзесидаги Чустий маҳалласи, Б-3 мавзесидаги Алишер Навоий маҳалласи, Марказ 17, 18 мавзесидаги Себзор, Янги Себзор, Тахтапул маҳаллаларида. Беруний майдони, Хончорбоғ, Алоқа, Фаробий, Чимбой-2, Қорасарой, Гузарбоши, Қўштут, Аллон, Эски Шаҳар, Қумлоқ, Ҳофиз Кўҳакий, Абу Бакр, Истиқлол маҳаллаларида. Абдулла Қодирий кўчаси Себзор кўчасидан Фаробий кўчаси бўйлаб Чиғатой дарвозасигача, Фаробий, Мирзо Ғолиб кўчаларида, Беруний кўчасидаги Нон ишлаб чиқариш заводида, Талабалар шаҳарчасида.

**Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ 26, 27, 28 мавзеларидаги Гулобод, Боғкўча, Сарҳумдон маҳаллаларида. Қоратош, Чақар, Чорсу, Янги Камолон, Ҳувайдо, Гулбозор, Сузукота, Исломобод, Оқилон, Шофайз, Янгишаҳар, Обиназир, Кохота, Ўзбекистон, Тахтапул, Катта Ҳовуз маҳаллаларида. 1-Болалар юқумли касалликлар шифохонасида, Навоий кўчаси бўйлаб Самарқанд Дарбоза кўчасидан Фурқат кўчасигача, Самарқанд Дарбоза кўчаси бўйлаб Навоий кўчасидан Термиз кўчасигача, 1-шаҳар клиник шифохонаси ва туғруқхонасида, Тошкент Давлат циркида, Чорсу бозорида, ЖАР спорт комплексида, Аброр Ҳидоятов номидаги ва Миллий Академик драма театрларида.

**Юнусобод тумани бўйича:** Жомий маҳалласи, Нақшбандий, Мукаррама Турғунбоева, Миртемир, Тахтапул дарвозаси, Боғча кўчаларида. Боғиравон, Гулғунча, Аваз Ўтар тор кўчалари билан Бўзсув маҳалласидаги Боғишамол 2,2а кўп қаватли уйларида, Мингўрик 1, 2-тор кўчаларида. Обод маҳалласидаги Наманган, Боғишамол, Қизилқўрғон, Ўртасарой, Машинасозлар, Гулбоғ кўчаларида, Чаманзор кўчасида тор кўчалари билан.

**2. Сув босими пасаяди – Олмазор тумани бўйича:** Шимолий Олмазор, Нодира кўчаларида.

**Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ-15, Бешёғоч мавзесида, Кохота маҳалласида, 3-туман иссиқлик қозонхонасида.

**Юнусобод тумани бўйича:** 4-туман иссиқлик қозонхонасида.

**Учтепа тумани бўйича:** 5-туман иссиқлик қозонхонсида, Шайхзода, Фарҳод, Қурилиш кўчаларида, Лутфий кўчаси бўйлаб Фарҳод кўчасидан Хирмонтепа кўчасигача, Хирмонтепа кўчаси бўйлаб Фарҳод кўчасидан Ширин кўчасигача.

Сув таъминотидаги узилишлар сабабли "Сувсоз" Давлат унитар корхонаси узр сўрайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар:

Олмазор туман сув тармоқлари эксплуатация цехи: 246-99-56

Шайхонтоҳур туман сув тармоқлари эксплуатация цехи: 273-52-39, 273-52-49

Юнусобод туман сув тармоқлари эксплуатация цехи: 235-25-64, 235-14-02

Учтепа туман сув тармоқлари эксплуатация цехи: 274-83-45

Марказий диспетчерлик хизмати: 1054, 256-10-95

*ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиб, газ етказиб бериш борасидаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари хонадонларида хатлов ишлари олиб борилмоқда.***

***Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.***

**"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **25 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12125 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5